Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 8 май, № 92 (9263) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

АВСТРИЯ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 май куни Австрия Республикасининг Европа ва ташқи ишлар федерал вазири Беате Майнл-Райзингер ва ички ишлар федерал вазири Герхард Карнердан иборат делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмонлар давлатимиз раҳбарига Австрия Федерал Президенти Александр Ван дер Белленнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Турли даражалардаги мулоқотлар изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Кейинги йилларда товар айирбошлаш 3 баробар ошди. Қурилиш материаллари, тоғ туризми, соғлиқни сақлаш, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, банк-молия ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари жадал амалга оширилмоқда.

Ҳукуматлараро комиссия самарали фаолият юритмоқда. Ушбу ташриф доирасида қўшма бизнес форуми муваффақиятли ўтказилди, меҳнат миграцияси, дипломатик хизмат ва солиққа тортиш соҳаларида муҳим битимлар имзоланди.

Маданият ва таълимда ҳам алмашинувлар кенгайиб бормоқда.

Олий даражада тизимли мулоқотни йўлга қўйиш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, устувор йўналишларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида сўз юритилар экан, терроризм, одам савдоси, наркотрафик ва кибержиноятларга қарши курашиш соҳасида мунтазам ахборот алмашиш зарурлиги қайд этилди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

МУДОФАА СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА РАҚАМЛАШТИРИШ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва армияни рақамлаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда дунёда юз бераётган қуролли можароларда учувчисиз учадиган аппаратлар, роботлашган тизимлар, радиоэлектрон қураш воситалари ва замонавий бошқарув технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу эса нафақат қуроллар ва ҳарбий техникаларни янгилаш, балки янги авлод мутахассисларини тайёрлашни ҳам тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда изчил ишлар амалга оширилмоқда. Қўшинларда дронларни жанговар қўллаш ва уларга қарши курашувчи янги бўлинмалар ташкил этилиб, учувчисиз учадиган аппаратлар операторлари, муҳандислар ва робототехника мутахассисларини тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Тақдимотда давлатимиз раҳбарига мазкур мобиль бўлинмалар фаолияти ҳамда ушбу йўналишда мутахассислар тайёрлаш тизими юзасидан ҳисобот берилди.

Ҳарбий таълим тизимини ислоҳ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. 2025 йилда Президентимиз ташаббуси билан мазкур соҳани ривожлантириш, замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга ҳарбий кадрларни тайёрлаш чоралари кўрилди. Натижада барча олий ҳарбий таълим муассасаларига институт мақоми берилиб, ягона вертикал бошқарув тизими яратилди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети ташкил этилди.

Замонавий жанговар ҳаракатлар, қўшинлардаги реал эҳтиёж ва илғор олий таълим муассасалари тажрибаси асосида янги малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари жорий этилмоқда. Тайёргарлик назария ва амалиётни уйғунлаштириш тамойили асосида ташкил этилиб, бўлажак офицерлар ўқув жараёнининг ўзида долзарб вазиятдан келиб чиқиб хизмат ўташлари учун зарур кўникмаларни эгаллаши кўзда тутилган.

Бакалавр даражасида ҳарбий кадрлар тайёрлашнинг мутлақо янги модели доирасида курсантларга хорижий тиллар, ахборот технологиялари ва сунъий интеллект чуқур ўргатилади.

Қўмондонлик-штаб офицерлари учун илғор хорижий тажриба ва замонавий қуролли тўқнашувларни ўрганиш асосида илк бор уч босқичли янги ўқитиш тизими жорий этилади.

Шу билан бирга, сержантлар таркибини тайёрлаш кўлами ҳам кенгайтирилади. Асосий янгиликлардан бири — олий ҳарбий таълим муассасаларида сержантлар учун бакалавриатнинг олтита фуқаролик мутахассислиги бўйича масофавий таълим йўлга қўйилади. Шунингдек, авиация ва учувчисиз учадиган аппаратлар мутахассисларини тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилиб, мазкур йўналишда Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларини ўқитиш ва уларга ягона сертификат бериш тартиби жорий этилади.

Тақдимотда армияни рақамлаштириш ва киберхавфсизликни таъминлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда Мудофаа вазирлиги тизимида алоқа инфратузилмаси модернизация қилинди, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда, ҳимояланган маълумот алмашинуви каналлари ривожлантирилмоқда.

Ҳарбий дастурчилар томонидан қўшинлар фаолиятининг турли йўналишлари бўйича 50 га яқин ахборот тизимлари ишлаб чиқилди. Хусусан, мудофаа ишлари органларида “Чақирув” электрон ахборот тизими яратилиб, 19 та вазирлик ва идоралар билан интеграция қилинди. Бу 39 турдаги маълумотномани онлайн шаклда олиш ва илк бор чақирув тадбирларини тўлиқ электрон шаклда ўтказиш имконини берди.

Ҳарбий тиббиёт соҳасида ягона тиббий ахборот тизими ва телемедицина жорий этилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “D-MED” тизими билан интеграция таъминланди.

Замонавий хавф ва таҳдидлардан келиб чиқиб, Мудофаа вазирлигида кибертаҳдидларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган Ахборот хавфсизлиги мониторинг маркази ташкил этилди.

Тақдимотда автоматлаштирилган бошқарув тизимларини янада ривожлантириш, роботлашган ва автоном мажмуалардан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар таклиф этилди.

Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида Рақамли технологиялар бош бошқармаси, Сунъий интеллект технологиялари департаменти ва Киберхавфсизлик лабораториясини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Республиканинг барча ҳудудларида узлуксиз ва барқарор алоқани таъминлаш мақсадида Сунъий йўлдош алоқа маркази фаолияти йўлга қўйилади.

Мудофаа соҳасида ягона рақамли сиёсатни юритиш мақсадида мудофаа вазирининг рақамлаштириш, сунъий интеллект ва киберхавфсизлик бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди. Ҳарбий округларда эса қўмондонларнинг рақамлаштириш, сунъий интеллект ва киберхавфсизлик бўйича ўринбосарлари лавозимларини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Тақдимот якунида Олий Бош Қўмондон билдирилган таклифларни маъқуллаб, армияни янада рақамлаштириш, қўшинларга замонавий ахборот-коммуникация тизимлари ва сунъий интеллект технологияларини жорий этишга қаратилган ҳужжатларни имзолади.

Мутасаддилар олдига мудофаа соҳасини тўлиқ рақамлаштириш, миллий сунъий интеллект моделларини яратиш ва малакали ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар қўйилди.

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙ ВА ХАВФСИЗ БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларда жамоат транспортини янада яхшилаш ва бу борадаги ишларни жадаллаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда аҳолига қулай, хавфсиз ва экологик тоза жамоат транспорти хизматини кўрсатиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, охирги уч йилда пойтахт ва вилоят марказларига 2 650 та замонавий электробус ва автобуслар олиб келинди. Брутто-шартнома асосида 279 та мунтазам йўналиш йўлга қўйилди.

Натижада ҳар куни йўналишга чиқаётган автобуслар сони 3 150 тага етди. Кунлик қатновлар сони 2022 йилдаги 18 мингтадан 45,2 мингтага, йўловчилар оқими эса 900 минг нафардан 2,3 миллион нафарга ошди. Шу орқали 4,8 мингта янги иш ўрни яратилди.

Тақдимотда жамоат транспортини янада ривожлантириш бўйича навбатдаги вазифалар кўриб чиқилди. Урбанизация жараёнлари тезлашаётгани, пойтахт ва вилоят марказларига туташ ҳудудларда аҳоли ҳаракати кескин кўпайгани сабабли шаҳарларга киришда қатновлар 30 фоизга ошгани қайд этилди.

Шу муносабат билан шаҳар жамоат транспортини ягона агломерация тизимига ўтказиш таклиф қилинди. Бунда шаҳарлар атрофидаги 12 километргача бўлган ҳудудларга қатнайдиган автобус йўналишлари ҳам брутто-шартнома тизими билан қамраб олинади.

Жумладан, Тошкент вилоятининг Назарбек, Шифобахш сувлар ва Уч қаҳрамон ҳудудларини пойтахт билан боғлаш орқали автомобиллар оқимини камида 20 фоизга камайтириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Умуман, пойтахтда 19 та, вилоят марказларида 79 та шундай йўналиш ташкил этиш режалаштирилган.

Пойтахт жамоат транспорти ва шаҳар атрофи темир йўл қатновларини ўзаро боғлаш мақсадида “электропоезд — автобус”, “электропоезд — метро” каби қулай тарифларни жорий этиш таклиф қилинди.

Қолаверса, вилоят марказларида жамоат транспорти ҳаракат таркибини янгилаш зарурлиги таъкидланди. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳудудларда яна 1,5 мингта катта ва ўрта сиғимли автобусларга эҳтиёж бор. Шу боис замонавий автобуслар олиб келишни рағбатлантириш, тадбиркорлар учун молиявий имкониятларни кенгайтириш, кредит линияларини йўлга қўйиш бўйича таклифлар билдирилди. Жумладан, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида автобусларни импорт қилишда утилизация йиғимидан озод қилиш муддатини яна 2 йилга узайтириш таклиф қилинди.

Тақдимотда автобус ҳайдовчилари учун муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда айрим ҳайдовчилар меъёрдан ортиқ ишлаётгани хизмат сифатига салбий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди. Ўтган йили пойтахтнинг ўзида ҳайдовчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва муомаласи юзасидан аҳолидан 1 670 та шикоят келиб тушган. Автобуслар иштирокида 109 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган.

Шу муносабат билан брутто-шартнома тизимини такомиллаштириш, бир автобусга тўғри келадиган ҳайдовчилар сонини 2 нафардан 3 нафарга ошириш, ҳаракат хавфсизлиги ва хизмат маданиятини кучайтириш вазифаси қўйилди.

Жамоат транспортида бажарилган иш ҳажми ва сифатини баҳолаш учун ҳар бир вилоятда диспетчерлик марказлари ташкил этилган. Бунинг натижасида ҳаракат жадвалига мувофиқ бажарилаётган қатновлар улуши 90 фоизга етди.

Энди ушбу тизимларга сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали йўловчилар оқимига мос равишда автобуслар ҳаракатини ташкил қилиш таклиф этилмоқда. Бу бир йўловчини ташиш таннархини 10 — 15 фоизга қисқартириш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари жамоат транспортини ривожлантиришда аҳоли сони кўп шаҳарлар билан бирга туризм марказларини ҳам қамраб олиш зарурлигини таъкидлади.

Самарқанд ва Наманганни аҳолиси бир миллионлик шаҳарларга айлантириш бўйича белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб, мазкур ҳудудларда аҳоли ва сайёҳлар учун замонавий “яшил транспорт” йўналишларини кўпайтириш бўйича аниқ мастер-режалар ишлаб чиқиш топширилди.

Охирги йилларда Хива шаҳрига туристлар оқими 3 карра кўпайгани, бу эса қулай жамоат транспортига эҳтиёжни кескин оширгани қайд этилди. Шу боис Хива, Шаҳрисабз, Марғилон, Қўқон каби йирик туризм масканларида ҳам жамоат транспортини ривожлантириш дастурини бошлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз жамоат транспорти аҳоли кундалик ҳаёти сифати, шаҳарлардаги ҳаракат маданияти, экология ва иқтисодий фаоллик билан бевосита боғлиқ муҳим соҳа эканини таъкидлаб, мутасаддиларга транспорт хизматлари қулайлиги ва хавфсизлигини ошириш, йўналишларни агломерация тамойили асосида кенгайтириш, соҳада рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллект ечимларини жорий этиш бўйича аниқ топшириқлар берди.

ЎзА.

БЎЛАЖАК ШАРҚШУНОСЛАР БИЛАН САМИМИЙ МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Тошкент давлат шарқшунослик университети талабалари, ёш тадқиқотчилари, “Шарқшунос таҳлилчилар” ва “Ёш шарқшунос дипломатлар клуби” аъзолари ҳамда профессор-ўқитувчилари билан очиқ ва самимий мулоқот ўтказди.

Учрашув

Пайшанба — Ёшлар куни доирасида ташкил этилган ушбу учрашувда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, парламент дипломатияси, ёшларнинг давлат бошқарувидаги иштироки, Янги Ўзбекистонни барпо этишдаги ўрни ва ёш кадрларни тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти фаолияти, йигит-қизларни қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб этиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва сиёсий фаоллигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Сенат Раиси Тошкент давлат шарқшунослик университети мамлакатимиз учун халқаро муносабатлар соҳаси мутахассислари ва шарқшунос олимларни тайёрлайдиган етук таълим масканига айланганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Бугун сизларнинг тимсолингизда нафақат келажак дипломатлари ёки таржимонларини, балки мамлакат тақдирига дахлдор қарорлар қабул қиладиган, Ўзбекистон манфаатларини халқаро майдонда муносиб ҳимоя қила оладиган интеллектуал салоҳиятли ёшларни кўрамиз, — деди Т. Норбоева.

Мулоқот жонли савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Талабалар ташқи сиёсат, дипломатик фаолият, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик, ёшларни давлат хизматига тайёрлаш, илмий тадқиқотлар ва хорижий тажрибаларни ўрганишга оид ўз фикр ҳамда таклифларини билдирди.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТЛАР ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРМОҚДА

Очиқ парламент

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигида бўлиб, унинг фаолияти, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек, қонун лойиҳалари қабул қилинганидан кейин уларнинг ижросини таъминлаш бўйича режалаштирилган ишлар билан танишди.

Учрашув доирасида “Техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар: амалий натижа ва долзарб таклифлар” мавзуида семинар ўтказилди.

Қайд этиш жоизки, агентлик томонидан ишлаб чиқилган ва ҳукумат томонидан қуйи палатага киритилган қатор ҳужжатлар айни вақтда иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

➡ 2



КЕЛАЖАККА БЎЙ ЧЎЗГАН ЎТМИШ МЕРОСИ

Давлатимиз раҳбарининг маънавий меросга таянган ҳолда юритаётган очиқлик сиёсати ва қатъияти тараққиёт сари одимлаётган Янги Ўзбекистон қиёфасини белгилаб бермоқда

“Тинчлик ҳар қандай бойликдан устун”, деган ҳикмат барча давр ва маданиятлар учун бирдек аҳамиятли ҳақиқат. Зеро, тинчлик ҳукм сурган жойда яратувчанлик, ҳамжиҳатлик ва тараққиёт учун мустаҳкам замин вужудга келади. Аксинча, осойишталик йўқ жойда эришилган энг катта ютуқлар ҳам ўз қадрини йўқотади.

Бугун Янги Ўзбекистонда тинчлик-парварлик давлат сиёсатининг устувор тамойилига айланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз атрофида ўзаро ишонч ва манфаатли ҳамкорлик муҳити шаклланмоқда. Қўшни давлатлар, анъанавий шериклар ва янги бозорлар билан алоқалар изчил мустаҳкамланиб, аниқ манфаат ва умумий мақсадларга асосланган ҳамкорлик янги босқичга кўтарилмоқда.

➡ 3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 8 май

Олий Мажлис Сенатида

ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШ СОДДАЛАШАДИ



Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига пенсия тайинлаш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги Қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Қонун билан фуқароларга нисбатан ногиронлик белгиланганда улардан мурожаат талаб этилмаган ҳолда (проактив шаклда) пенсия тайинланиши, ногиронлик пенсияси тайинланганидан кейин фуқаро камида бир йил иш стажига эга бўлганда тайинланадиган пенсия миқдори ҳар икки йилда бир маротаба фуқародан мурожаат талаб этилмаган ҳолда (проактив шаклда) қайта ҳисобланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, чегирмалар қилинганидан кейин тўланадиган пенсия миқдори расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслигини назарда тутувчи ўзгартиришлар ва қўшимча киритилмоқда.

Сенаторлар ушбу ўзгартиришлар фуқароларга ногиронлик пенсиясини тайинлаш тартибини соддалаштиришга ва уларга ушбу соҳада кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини янада оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Муҳокама якунида Қонунни навбатдаги ялпи мажлис кун тартибига киритиш юзасидан қўмита қарори қабул қилинди.

ДЕПУТАТЛАР ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРМОҚДА

1 Хусусан, “Маҳсулотларнинг умумий хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси, “Бозор назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси эса Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси масъуллигида кўриб чиқилмоқда.

Қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда муҳокама қилиш жараёнида сиёсий партиялар фракциялари депутатлари томонидан соҳанинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатларига доир қатор аниқлаштирувчи саволлар берилганди. Депутатлар томонидан кўтарилган масалаларнинг аксарияти техник жиҳатдан тартибга солиш тизими фаолияти билан боғлиқ экани қайд этилган эди.

Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида ҳужжатларнинг амалиётга мослиги, уларни қўллаш механизмлари ҳамда соҳадаги мавжуд инфратузилма имкониятларини ўрганиш таклифи билдирилганди.

Шу мақсадда ташкил этилган семинарда Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари аъзолари, экспертлар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Сўзга чиққан мутахассислар мазкур қонун лойиҳалари мамлакатда маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бозор назоратининг замонавий тизимини шакллантиришга қаратилганини таъкидлади. Жумладан, “Маҳсулотларнинг умумий хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ноозиқ-овқат маҳсулотлари учун ягона хавфсизлик талабларини белгилашни назарда тутади. Ҳужжатда ишлаб чиқарувчи, импорт қилувчи ва дистрибьюторларнинг мажбуриятларини аниқ белгилаш, мувофиқликни баҳолаш тартибларини такомиллаштириш ҳамда хавфли маҳсулотлар бўйича тезкор огоҳлантириш тизимини жорий этиш кўзда тутилган.

“Бозор назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасида эса маҳсулот муомалага чиқарилгандан кейин унинг хавфсизлигини назорат қилиш механизмлари мустаҳкамланмоқда. Хусусан, назорат харидлари, мониторинг ва экспертиза каби таъсирчан усулларни қўллаш, номувофиқ маҳсулотларни бозордан чиқариш ва чақириб олиш тартибларини белгилаш назарда тутилган.

Шунингдек, ҳужжатларда ваколатли органлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, иқтисодий операторлар масъулиятини аниқлаштириш ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш механизмларини жорий қилиш масалалари акс этган.

Ойбек ОТАМУРАТОВ, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси:



— Семинар доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида фаолият юритаётган замонавий лабораториялар билан ҳам танишдик. Уларнинг моддий-техник базаси, синов ва тадқиқот ўтказиш имкониятлари ҳамда янги талабларга тайёргарлик даражасини яқиндан кўрдик. Соҳа мутахассислари, экспертларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитдик, таклифларини олдик. Албатта, буларнинг барчаси қонун лойиҳаларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Айтиш мумкинки, мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши ички бозорда хавфсиз маҳсулотлар айланмасини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари учун тенг рақобат муҳитини яратиш ва миллий қонунчиликни халқаро стандартларга яқинлаштиришга ҳисса қўшади.

«Халқ сўзи».

Халқ дипломатиясини кенгайтиришга қаратилган меморандум

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистондаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Ҳамкорлик

У халқ дипломатиясини тизимли асосда ривожлантириш, миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш, халқаро гуманитар алоқаларни кенгайтиришга қаратилган қўшма лойиҳалар ва ташаббусларни амалга оширишни назарда тутади.

Шунингдек, меморандумдаги устувор ҳамкорлик ишларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланиб, йўналишлар, аниқ чоралар ва қўшма тадбирлар белгилаб олинди.

Меморандумни имзолаш доирасида “Халқ дипломатияси — тинчлик сари биргаликда қадам” номли китоб тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар халқ дипломатиясининг замонавий халқаро муносабатлардаги ўрни ва аҳамияти юзасидан фикр алмашди.

Сенаторлар ёшлар ҳузурида

Ўзбекистон Экологик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Экоҳаракат фаоллари ҳамкорлигида Фан ва технологиялар университетида Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Анвар Тўйчиев ҳамда қўмита раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова иштирокида очиқ мулоқот ташкил этилди.

Мулоқот

Унда сенаторлар талабаларнинг фикр ва ташаббусларини катта қизиқиш билан тинглаб, ҳар бир таклиф ҳамда мурожаат эътибордан четда қолмаслигини таъкидлади. Шунингдек, ёшларнинг илм-фанга қизиқиши, касбий маҳоратини ошириши, илмий ва ижодий қобилиятларини ривожлантириши давлат ҳамда жамият томонидан доимий қўллаб-қувватланиши қайд этилди.

Мамлакат тараққиёти билимли, фаол ва масъулиятли кадрларга боғлиқ экани алоҳида таъкидланди. Шу боис ёшлардан мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, юксак мақсадлар сари ишонч билан интилиш, Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшиш талаб этилиши айтилди.

ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

Иқтисодиёт ва молия вазирлигида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган долзарб масалалар юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбати

Унда қатнашган Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозихонова ўз маърузасида ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Давра суҳбати доирасида Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Нажи Бенхасин ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш борасидаги таклиф ва тавсияларини билдирди.

Муҳокама давомида меҳнат бозорига кириб келаётган аҳолининг бандлигини таъминлаш, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни кенгайтириш орқали барқарор иш ўринлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ — ИБРАТ МАКТАБИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси ва Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти ташаббуси билан илмий анжуман ўтказилди.

Анжуман

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейида ташкил этилган тадбирда депутатлар, олимлар, ёш парламентарийлар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, хотира — муқаддас, қадрлаш эса инсонга хос олий фазилат. Ўтмишни унутмаган халқнинг келажаги ҳам мустаҳкам бўлади. Буни ёшлар қалбига сингдириш жуда муҳим бўлиб, мамлакатимизда айни йўналишда кенг кўламли ислоҳотлар рўёбга чиқарилмоқда. Зеро, Президентимиз қайд этганидек, ҳозирги ғоят мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ҳамда динлараро дўстлик ва аҳиллликни асрашдек ўта муҳим вазифаларни бажаришда қаҳрамон фахрийларимизнинг жасорати, шонли анъаналари биз учун ҳамиша ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Анжуманда сўзга чиққанлар тарихий хотирани асраш, уни замонавий ёндашувлар асосида тарғиб этиш, шунингдек, ёшлар ўртасида ватанпарварлик руҳини кучайтириш бўйича қатор таклифларни билдирди.

Якунда Президентимиз томонидан илгари сурилаётган “Инсон қадри учун” ғояси доирасида хотира ва қадрлаш масалаларини янада кенг тарғиб қилиш, аждодлар меросини асраш ҳамда уни ёшлар онгига сингдириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сўз — иштирокчиларга

Ойдин АБДУЛЛАЕВА, Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:



— Юртимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонлаш орқали тинчлик ва озодлик учун курашган, оғир синовларни бошидан кечирган инсонлар хотирасига чексиз эҳтиром кўрсатилади. Бу эса, ўз навбатида, ёш авлодни ватанпарварлик, садоқат ва фидойилик руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки ўз тарихини билган, аждодлар меросини қадрлаган ёшларгина келажакка ишонч билан қадам қўяди. Улар ўз юрти тақдирига бефарқ бўлмайди, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшишга интилади. Шу нуқтаи назардан, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи каби маънавий-маърифий масканлар ёшлар учун ўзига хос тарбия мактаби вазифасини ўтамоқда.

Албатта, ушбу масалалар парламентнинг ҳам доимий эътиборида. Масалан, яқинда ҳудудларда бўлиб, аҳоли билан учрашувлар ўтказдик, фахрийларимиз, кекса отахону онахонлар ҳолидан хабар олдик. Уларнинг яшаш шароитлари билан танишдик, фикр-мулоҳазаларини тингладик. Амин бўлдикки, амалга оширилаётган ислоҳотлар фуқаролар турмуш тарзида яққол акс этмоқда.

Отабек СОБИТОВ, Ёшлар парламенти раиси:



— Бугун биз хотира деганда фақат ўтмиш воқеаларини ёдга олишни эмас, балки улардан хулоса чиқаришни ҳам тушунамиз. Айниқса, уруш ва қатағон йилларида бошидан оғир синовларни ўтказган халқимизнинг сабр-тоқати, жасорати ва матонати бугунги ёшлар учун ибрат мактабидир. Бу фақат тарих эмас, бу — ҳаёт сабоғи.

Тинчлик осонлик билан қўлга киритилмаган. Унинг ортида минглаб инсонларнинг ҳаёти, орзулари ва тақдирлари мужассам. Шу боис бугунги ёшлар зиммасида ана шу тинчликни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш каби юксак масъулият турибди. Хотира ва қадрлаш туйғуси эса ана шу масъулиятни англашга хизмат қилади.

Биз, Ёшлар парламенти вакиллари йигит-қизлар ўртасида тарихий хотирани мустаҳкамлаш, аждодлар меросини тарғиб қилиш ва инсон қадрини улуғлашга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашни устувор вазифалардан бири, деб биламиз. Чунки ўз тарихи ва қадриятларига ҳурмат билан қараган ёшларгина юрт келажагига дахлдорлик ҳисси билан яшайди.

Муниса АРАБХОНОВА, Ёшлар парламенти аъзоси:



— Хотира ва Қадрлаш куни ёшлар учун катта тарбия мактабидир. Бу сана орқали уруш ҳамда қатағон йилларида халқимиз бошидан кечирган синовлар, аждодларимизнинг жасорати ва матонати ҳақида чуқурроқ тасаввурга эга бўламиз. Бу эса бизда ватанпарварлик, масъулият ва дахлдорлик туйғуларини янада мустаҳкамлайди.

Биз, ёшлар аждодларимизнинг муносиб ворислари сифатида улар қолдирган маънавий меросни асраб-авайлашимиз, уни янада бойитишимиз ва келажак авлодга етказишимиз керак. Чунки хотира — бу ўтмиш ва келажакни боғловчи кўприк, қадрлаш эса ана шу кўприкни мустаҳкам ушлаб турувчи асосдир.

«Халқ сўзи».

Фикр

Бизнес эгаларини қийнаган муаммолар ечим топди

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 67-моддасида давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаши, тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли экани белгилаб қўйилган.



Ушбу конституциявий нормаларнинг рўёбини мамлакатимизда мазкур соҳада изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Давлатимиз раҳбарининг ҳар йили тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида келиб тушган мурожаатларда кўтарилган тизимли муаммоларни ҳал қилишга қаратилган аниқ таклиф ва ташаббуслар ҳам ўз ечимини топмоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш ҳамда тадбиркорларни ўйлантираётган муаммоли масалаларни ҳал этишга оид таклифлар тақдимотида ҳам давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб-қувватланган ва билдирилган мулоҳазалар, таклифлар фикримиз далилидир.

Йиғилишда турли сабабларга кўра тўлиқ қувватда ишламаётган ва тушуми камайган корхоналар фаолиятини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди. Айланма маблағларнинг етишмаслиги, ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан боғлиқ муаммолар, ускуналарнинг эскиргани, хомашё занжиридаги узилишлар, маҳсулотга талабнинг пасайиши каби масалалар ушбу тоифадаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар сифатида айтиб ўтилди.

Шунингдек, бугун аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг эътирозларига сабаб бўлаётган яна қатор муаммолар ҳам борки, улар эркин фаолият юритишга тўсқинлик қилмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг пешлавҳалари ва бренд белгиларини жойлаштириш, умумий овқатланиш ва савдо объектлари учун айрим маъмурий талаблар, меҳнат муносабатларидаги тартиб-таомиллар, нақд пулсиз тўловлар, солиқ имтиёзларини қўллаш, молиявий жарималар, ташқи иқтисодий фаолиятдаги ҳужжатбозлик каби масалалар ана шулар жумласидан.

Бу муаммоларнинг ечимлари таклиф этилар экан, тўлиқ қувватда ишламаётган ва тушуми камайган корхоналар фаолиятини тиклаш юзасидан янги тизим жорий қилиниши белгиланди. Мутасадди идоралар ва банклар иштирокида Республика штабининг ташкил этилиши эса айни муддао бўлди. Чунки улар жойларга чиқиб, бундай корхоналар фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлайди ва жойида ҳал этиш чораларини кўради.

Тақдимотда ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш ҳамда тадбиркорларни ўйлантираётган муаммоли масалаларни ҳал этишга оид билдирилган таклифлар тадбиркорлик фаолияти учун ортиқча тўсиқларни камайтириш, назорат ва тартибга солиш механизмларини соддалаштиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Пировардида эса янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли даромадлари ошади ва камбағаллик қисқаради.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб борилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга қаратилган кўплаб қонунлар қабул қилинди. Яратилган қулайлик ва имкониятлар туфайли янги субъектлар сони ортиб, тадбиркорлар иқтисодиётимиз локомотивига айланиб бораётир.

Тадбиркор — иқтисодиёт пойдевори, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи. Унга барча зарур шароитлар яратилса, юртимиз янада тараққий этади, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалади. Шу нуқтаи назардан, биз, депутатлар давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, бу борада жойларда олиб борилаётган ишлар устидан таъсирчан парламент назоратини амалга оширишимиз лозим бўлади.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

АСОСИЙ МЕЗОН — АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ

Президентимизнинг шу йил 5 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Тиббиёт соҳасида хусусий секторни қўшимча қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари соҳага юксак эътиборнинг яна бир яққол далили бўлди. Мазкур ҳужжатлар соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, бошқарувни самарали ташкил этиш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Муносабат



Бинобарин, фармонда соғлиқни сақлаш тизимида марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечилиб, ҳудудий даражада мустақил қарор қабул қилиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса жойлардаги муаммоларни тезкор ҳал этиш, ресурсларни мақсадли тақсимлаш ва аҳоли эҳтиёжларига мос хизмат кўрсатиш имконини беради.

Фармонда назарда тутилган яна бир муҳим янгилик шуки, эндиликда юридик шахс мақомига эга бўлган Клиник аудит инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил қилинмоқда. Ушбу орган тиббий хизматлар сифатини, беморлар хавфсизлигини, клиник протокол ва стандартларга риоя этилишини мустақил равишда баҳолайди. Эътиборга молик жиҳат шундаки, инспекциянинг назорат доираси фақат давлат тиббиёт муассасалари билан чекланмайди, балки нодавлат тиббиёт ташкилотлари ҳам қамраб олинади. Бундай тузилма мамлакатимизда илк бор бутун тиббиёт муассасаларини, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ягона назорат тизими атрофида бирлаштиради.

Мазкур янгилик моҳиятан оддий фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилгани билан аҳамиятли. Бугунги кунда хусусий клиникаларнинг кўпайиб бориши танлаш имкониятини кенгайтирган бўлса-да, айни пайтда сифатсиз хизмат, асоссиз ташхислар ва ортиқча тўловлар билан боғлиқ шикоятлар жамоатчиликни ташвишга солмоқда.

Энди бундай муаммолар ягона, ваколатли ва мустақил орган томонидан кўриб чиқилади. Шифохонага мурожаат қилган ҳар бир бемор манфаати, у қайси мулкчилик шаклидаги муассасада бўлмасин, тенг даражада ҳимояланади. Инспекциянинг ҳудудий бўлинмаларга эга бўлиши эса ҳар бир вилоятда сифат назорати тезкор амалга оширилишини, беморлар йирик марказлардан жавоб кутиб ўтирмаслигини таъминлайди.

Фармонда рақамли технологияларни кенг жорий этиш масаласи ҳам устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Электрон тиббий карталар, ягона ахборот тизимлари ва онлайн мониторинг платформаларини яратиш орқали эса маълумотлар шаффофлиги таъминланади.

Бу нафақат бошқарув қарорларини қабул қилишни енгиллаштиради, балки коррупция хавфини камайтириш, молиявий ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш имконини ҳам беради. Рақамлаштириш орқали беморлар учун ҳам қулайликлар ошади, вақт тежалиб, хизмат кўрсатиш жараёни тезлашади.

Айтиш жоизки, ҳар қандай тизим самарадорлиги, аввало, унда фаолият юритаётган кадрларга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, Фармонда тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, уларни доимий ўқитиш ва қайта тайёрлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратишга ҳам катта эътибор қаратилган.

Сир эмаски, бугунги замонавий тиббиётни юқори аниқликдаги ташхис технологияларисиз тасаввур этиш мушкул. Касалликни эрта аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ва самарали даволаш жараёни, аввало, замонавий тиббий жиҳозлар билан бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, ҳужжатда тиббиёт ташкилотлари учун яратилган божхона имтиёзлари соҳа ривожи учун муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ҳужжатга мувофиқ, 2029 йилга қадар тиббий жиҳозлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари, сарф материаллари ҳамда махсус тиббий транспорт воситалари импорт божхона божидан озод этилади. Бу имтиёз, аввало, хусусий ва давлат тиббиёт муассасаларига замонавий технологияларни камроқ харажат билан олиб кириш имконини беради.

Шу билан бирга, импорт харажатларининг камайиши клиникаларнинг молиявий юкини енгиллаштириб, инвестицияларни кўпроқ технология ва мутахассисларга йўналтириш имконини яратади. Бу эса тиббий хизматлар сифатини ошириш, замонавий даволаш усулларини оммалаштириш ва аҳоли учун қулай тиббий муҳит шаклланишига хизмат қилади.

Сирасини айтганда, бу вазифаларнинг туб замирида аҳолининг соғлом ва бахтли умр кўриш давомийлигини узайтириш мақсади мужассам.

Гулнора МАРУФОВА, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси.

Шукуҳ

Меҳнат фронти фахрийларига эҳтиром

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Наманган вилоятида меҳнат фронти фахрийларини эъзозлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш ва муносиб ҳурмат кўрсатишга қаратилган тадбирлар ташкил этилмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси Икромхон Нажмиддинов, ҳокимликлар ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари Наманган тумани ва шаҳрида истиқомат қилаётган фахрийлар хонадонларига ташриф буюрди.


Наманган туманининг Ўрта Ровустон маҳалласида яшовчи меҳнат фронти фахрийлари — Ҳамиджон Гаппаров ва Мавлудахон Мадраҳимова, шунингдек, Наманган шаҳридаги Озод маҳалласида истиқомат қилувчи Жамилахон Инамова ҳолидан хабар олинди. Улар билан самимий суҳбатлар ўтказилди. Фахрийларнинг уруш йилларидаги фидокорона меҳнати, машаққатли ҳаёт йўли ва мамлакат тараққиётига қўшган ҳиссаси алоҳида эътироф этилди.

Ташриф давомида фахрийларга байрам табриклари етказилиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

«Халқ сўзи».

Президентимиз Фармонига кўра, Адлия вазирлиги ҳузурида Тўловга қобилиятсизлик ишлари агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилади.







КЕЛАЖАККА БЎЙ ЧЎЗГАН ЎТМИШ МЕРОСИ

1 Очиқлик сиёсати самаралари бугун нафақат дипломатик муносабатларда, балки иқтисодий соҳада ҳам яққол намоён бўлмоқда. Хорижий инвестициялар ҳажми изчил ошиб, савдо айланмаси кенгаймоқда, қўшма лойиҳалар сони тобора кўпайяпти. Бу эса Ўзбекистон атрофида барқарор ва ишончли ишбилармонлик муҳитини қарор топтирмоқда. Натижада сўнгги йилларда халқаро ҳамжамиятнинг Марказий Осиёга, айниқса, Ўзбекистонга қизиқиши сезиларли даражада ортди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида кузатилаётган бугунги юксалиш бежиз эмас. Бунинг замирида халқимизнинг асрлар давомида шаклланган бой тарихий тажрибаси, бағрикенг дунёқараши ва очиқ мулоқот маданияти мужассам. Дунё билан тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш, ўзаро манфаатли савдо-сотиқни ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби тамойиллар халқимизнинг кўп асрлик маънавий мероси ва цивилизацион қадриятларидан озиқ олади.

Ноёб афзаллик

Мамлакатимиз дунёда кам учрайдиган афзалликларга эга. Ўзбекистон ҳудуди қадимқадимдан, бир неча юзйилликлар давомида ғоялар, билимлар ва турли маҳсулотлар алмашиниб келинган марказда жойлашган. Буюк Ипак йўлининг чорраҳаси ва маркази бўлиб ҳисобланган шаҳарлар орқали ўтувчи йўналишлар бугунги кунда ҳам очиқлик рамзи, дея тан олинади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент сингари манзиллар турли цивилизацияларнинг ҳамкорлиги тажрибасига яққол мисол бўлгани ҳолда, айнан шундай руҳ билан суғорилган.

Давлатимиз раҳбарининг тарихий мерос ҳақида такрор-такрор гапириши бежиз эмас. Учинчи Ренессанс, деган ибора ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев туфайли ижтимоий-сиёсий доираларда муомалага кирди. Бундай кенг кўламли буюк ғояни янги авлодлар рўёбга чиқаради. Модомики, заминимизда аввал ҳам шундай кучли маданий-маърифий ҳодисалар рўй берган экан, тараққиётнинг янги босқичида ҳам уларга таянсак бўлади.

Мана шу фикрни англаб етиш жамиятимизнинг ички руҳиятини белгилайди. Тарих энди фақат йиллар ва воқеа-ҳодисалар йиғиндиси, кетма-кетлиги эмас, балки инсоннинг ўзига ишончи, илҳом манбаига айланди. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган хайрли ташаббуслар айнан шу асосда рўёбга чиқмоқда. Шуниси муҳимки, улар тез суръатда ўзбекистонликларни қувонтирадиган, хорижий меҳмонларнинг ҳайратини оширадиган тарзда намоён бўлмоқда.

Янги мисоллардан бири — Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази. Уни бунёд этиш ҳақидаги ғоя Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юқори минбаридан туриб янграган ва минтақамиздан узоқ ўлкаларда ҳам қўллаб-қувватланган эди. Ушбу мега-лойиҳани амалга ошириш изчиллик билан, босқичма-босқич давом этди. Уни рўёбга чиқариш учун жалб этилган мутахассисларни санаб ўтишнинг ўзи қийин.

Натижада пойтахтнинг марказида, Ҳазрати Имом мажмуаси яқинида шундай макон пайдо бўлдики, у кўлами ва ғоясига кўра одатий музейлардан анча фарқ қилади. Деярли 10 гектарга яқин майдон ва 50 минг квадрат метр ҳудуддаги бинолардан иборат бу мажмуа турли тарихий даврларни акс эттирувчи экспозицияларни ўз ичига олди.

Охирги бир йилда марказ фонди бир ярим мингдан зиёд экспонат билан тўлдирилди. Улар орасида юзлаб қўлёзмалар, археологик топилмалар, тарихий хариталар бор. Чет эллик коллекция тўпловчилардан, аукционлардан сотиб олинган асл нусхадаги артефактлар мамлакатимизга қайтарилмоқда. Марказий залда Усмон Мусҳафи, яъни дунёдаги энг кўҳна Қуръонлардан бири жойлаштирилди. Унинг ёнида — турли даврларга тегишли ноёб қўлёзмалар. Мажмуа шундай зиёратгоҳга айландики, у ерда ўлкамизнинг буюк тарихи ва оламга машҳур шахсларнинг ҳаёти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари марказга ташриф буюриб, у эл-юртимизга, жаҳон аҳлига ҳамиша беминнат хизмат қилиши ҳақида ўз фикрларини билдирди:

— Бугун ўзлигимизни англаш йўлида катта тантана бўлди. Минг шукрки, тўққиз йил давомида ният қилиб, изланиб, ҳаракат қилиб, халқимизнинг кимлигини, тарихимизни ҳаққоний акс эттирадиган мажмуани барпо этдик. Бу ерга келган ҳар бир инсон, айниқса, ёшларимиз, қандай аждодлар авлоди эканимизни билиши, англаши керак. Бу улкан лойиҳа оддий бир чизма эмас. Уни юрак чизган, меҳр чизган, орзу ва армонлар чизган. Қуръони карим сақланадиган муқаддас зал ҳам шунчаки яратилган эмас. У юракдан туғилган, халқимизнинг орзу-интилишлари ва буюклигини намоён этиш истагидан пайдо бўлган маскандир. Бу лойиҳа буюк халқимизнинг асл қиёфасини рўёбга чиқаришга қаратилган эзгу ниятлар маҳсулидир.

Германиянинг “Reiseblick” нашрининг “Дунёда ягона” деб номланган мақолада ёзилишича, марказ таълим ва динлараро мулоқот учун майдон бўлиб хизмат қилади. Бинонинг архитектураси тарихий анъаналар ва замонавий муҳандислик ечимларини ўзида мужассам этган.

Европалик журналистлар келтирган маълумотларга кўра, 2025 йилда Ўзбекистонга 12 миллионга яқин сайёҳлар ташриф буюрган. Бунда ўсиш 16 фоизни ташкил этган бўлса, сайёҳлик хизматлари экспорти 4,8 миллиард долларга етган. Нашрда эътироф этилганидек, бундай лойиҳалар Ўзбекистоннинг саёҳат учун энг истиқболли йўналишлардан бири сифатида танилишига хизмат қилади.

Анъаналарга садоқат ва миллий ўзлик

Айни пайтда Ўзбекистоннинг бой меросини ёркин намоён этиш, зиёратгоҳларни обод қилиш ишлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида олиб борилмоқда. Жумладан, Самарқандда Имом Бухорий мажмуаси янгича мазмунда қайта шакллантирилиб, сезиларли даражада кенгайтирилди. Қарийб 45 гектар ҳудудда бир кунда 65 минг нафаргача зиёратчини қабул қилиш имконига эга инфратузилма яратилди, ҳолбуки, аввал бу кўрсаткич 12 мингдан ошмас эди.

Имом Бухорий ислом оламида алоҳида ўрин тутади. Унинг “Саҳиҳул Бухорий” номи билан машҳур асари энг нуфузли ҳадис тўпламларидан бири ҳисобланади. У йигирмадан ортиқ асар ёзган бўлиб, уларнинг аҳамияти бугунги кунда ҳам сақланиб қолмоқда.

Мажмуада буюк аждодимиз меросига муносиб ишлар амалга оширилди. Бу ерда ўн минг кишилик масжид, маъмурий бинолар, юздан ортиқ устунли айвон барпо этилди. Музейга алоҳида эътибор қаратилди. У тўққизта павильондан иборат бўлиб, уларда Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси намойиш этилган. Экспозицияларни янада тушунарли қилиш мақсадида замонавий технологиялардан фойдаланилмоқда.

Янгиланган мажмуанинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари бундай объектлар маърифатга хизмат қилиши ва ёшларга диннинг маънавий асосларини яхшироқ англашга ёрдам бериши лозимлигини таъкидлади.

— Ушбу бетакрор қурилиш янги Ўзбекистоннинг улкан имкониятларини яққол намоён этади. Зиёратгоҳ халқимиз учун, жаҳондаги барча мусулмонлар учун эзгулик ва маърифат нурини таратадиган қутлуғ масканга айланади деб ишонаман. Аминманки, бу даргоҳни зиёрат қилиб, унинг маънавий муҳитидан баҳраманд бўлган инсон, айниқса, ёшлар ислом динининг асл маъносини англаб етади, тўғри йўлдан адашмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Имом Бухорий мажмуасида маънавий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, уни ҳақиқий тарбия мактабига айлантириш, имом-хатиблар ва маҳалла фаоллари учун малака ошириш дастурларини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Самарқанддаги мажмуа қисқа вақт ичида сайёҳлар учун албатта бориб кўрилиши лозим бўлган диққатга сазовор жойлар ҳақида маълумот берувчи кўплаб етакчи нашрлар эътиборига тушди. Британиянинг “Emergingtravel.news” портали ўз материалларида Имом Бухорий мажмуасининг қайта реконструкция қилингани ва сиғими 5 мартадан зиёд ошганига алоҳида эътибор қаратди. Таъкидланишича, кенг кўламли қайта қуриш ишлари натижасида зиёратчилар ва сайёҳларга қулай шароитлар яратилган. Мажмуада анъанавий меъморчилик ва рақамли экспонатлар ҳамда меҳмонхона инфратузилмасини ўз ичига олган замонавий ечимлар уйғунлаштирилган. Муаллифларнинг фикрича, Имом Бухорий мажмуаси чинакам маърифат масканига айланган.

Сўнгги вақтларда бундай лойиҳалар мамлакатимизнинг турли ҳудудларини безаб турибди. Самарқандда кўп функцияли “Ипак йўли” туристик мажмуаси сайёҳларни жалб этмоқда, қадимий Хоразм заминида “Арда Хива” халқаро маркази барпо этилди. Яқинда эса Марғилонда “Бурҳониддин Марғиноний” илмий-маърифий мажмуаси ташкил қилинди.

Марғилон — илму ҳунармандчилик билан боғлиқ кўп асрлик тарихга эга шаҳар гўё янги ҳаётбахш кучларга тўлгандек. Мажмуани очиш маросимида Президентимиз ушбу шаҳар қадимдан маърифатпарварлар замини деб ҳисобланганини эслатиб, янги лойиҳалар ана шу анъанани давом эттиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Миллий меъморчилик анъаналари асосида барпо этилган ва 35 гектар ҳудудни эгаллаган ноёб мажмуа Ислом ҳуқуқшунослиги институти, мақом театри, очиқ амфитеатр, ўлкашунослик музейи, адиблар ва санъаткорлар хиёбони, ҳунармандлар маркази, меҳмонхоналар ва хизмат кўрсатиш тармоқлари каби кўплаб бино ва иншоотлардан иборат. Буларнинг барчаси, аввало, аждодимиз Марғинонийнинг бой илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, ҳудуднинг қадимий ҳунармандчилик анъаналарини сақлаш, зиёрат туризмини ривожлантиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу муҳташам иншоот Янги Ўзбекистоннинг ноёб обидалари қаторида муносиб ўрин эгаллаб, Фарғона вилоятининг “ташриф қоғоз”ларидан бирига айланишига ишонч билдирди. Шунингдек, айнан шундай маърифат, илм-фан ва билим марказларида орзу қилганимиздек янги Бухорий, Термизий, Фарғоний, Хоразмий ва Марғинонийлар авлодини тарбиялаб вояга етказишимиз мумкинлигини таъкидлади.

Илҳом бағишловчи ўзгаришлар манзарасидаги алоҳида ёркин жиҳатлардан бири — Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейининг Соҳибқирон таваллудининг 690 йиллиги муносабати билан реконструкция қилиниши бўлди.

Амир Темур шахсияти минтақа тарихини англашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Машҳур саркарда ва доно ҳукмдор қудратли давлат барпо этди, бошқарув асосларини яратди, илм-фан ва маданият ривожини қўллаб-қувватлади. Ўша давр меъморий ёдгорликлари ҳозиргача мамлакатимиз ва қатор бошқа давлатлар қиёфасини белгилаб турибди.

Соҳибқироннинг адолатни бошқарув тамойили сифатида улуғлаган доно васиятлари асрлар оша алоҳида қадр-қиммат касб этмоқда ва бугун муҳим йўл-йўриқ сифатида қабул қилинмоқда.

Янгиланган музейни кўздан кечириш чоғида Президентимиз Шавкат Мирзиёев асосий вазифа ушбу меросни жамиятга, айниқса, ёшларга етказиш эканини таъкидлади. Зеро, мамлакат тараққиёти учун зарур билимларни аждодлар тажрибасидан топиш мумкин ва буни одамларга етказиш муҳим.

Давлатимиз раҳбарининг бу фикри хорижда ҳам ижобий акс садо берди. Европанинг “EU Reflect” нашри Темурийлар меросига мурожаат қилиш миллий ўзликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши ва Ўзбекистонни бой тарих ҳамда ривожланаётган интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат сифатида танитишини ёзди.

Барқарорлик макони

Мамлакатда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақидаги мулоҳазаларни давом эттирар эканмиз, бу борада кўпинча эътибордан четда қолиб кетадиган бир жиҳатни тан олиш муҳим. Узоқ вақт давомида айнан иқтисодий кўрсаткичлар “устқурма”нинг қолган қисмини — ижтимоий тузилма, маданий муҳит, ҳатто одамларнинг кундалик хатти-ҳаракатларини шакллантиради, деб ҳисобланган. Бундай ёндашув соддадек туюлиши билан қулай бўлса-да, реал ҳаётда ҳар доим ҳам иш бермайди. Рақамлардан ташқарида жамиятнинг барқарорлигини белгилайдиган нарсалар бор. Улар қаторида қадриятлар, тарихий хотира, бағрикенглик ва очиқлик, шунингдек, билимларга муносабатни санаб ўтиш мумкин.

Сўнгги йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, бу омиллар иккиламчи эмас. Улар ҳар доим ҳам статистика билан ўлчанмайди, аммо ҳар доим ишонч даражасига, инвестиция муҳитига ва ҳамкорлик учун тайёрликка бевосита таъсир қилади. Бу, айниқса, Ўзбекистонда сезиларли.

Асрлар давомида ижтимоий анъаналарга сингиб кетган тинчликпарварлик ва мулоқотга содиқлик муҳим ресурсга айланиб бормоқда. Одатда, можароларга аралашмаган ва изчиллик билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга одатланган мамлакат бизнес учун хавфсиз макон сифатида қабул қилинади. Кўпинча маданий ўзига хослик сифатида эътироф этилган меҳмондўстлик



аслида туризм ўсишининг омили бўлиб хизмат қилади. Қадимдан минтақага хос билимга чанқоқлик бугунги кунда технология, таълим ҳамда IT ва сунъий интеллект каби янги соҳаларга қизиқишда тобора кўпроқ намоён бўлмоқда.

Буни ташқи эътирофлар ҳам тасдиқлайди. Хорижий кузатувчиларнинг таъкидлашича, айнан тинчлик ва хавфсизлик ҳукмронлиги Ўзбекистонни, мажозий маънода, глобал тартибсизликларнинг нотинч океанида барқарорлик оролига айлантиради. Италиянинг “Il Giornale” газетасида “Ўзбекистон — Ғарб ва Шарқ ўртасида хавфсиз кўприк” номли мақолада ушбу хусусиятга эътибор қаратилади. Мақола муаллифи Нунция Паганининг ёзишича, Яқин Шарқдаги можаролар, Форс кўрфазидаги кескинликлар ва Россия — Украина инқирози фонида мамлакат геосиёсий истисно бўлиб кўринади, бир вақтнинг ўзида иқтисодий имкониятлари билан ром қилади. Унинг сўзларига кўра, расмий Тошкент аста-секин ўз атрофида таҳлилчилар “барқарорлик макони” деб атайдиган, у орқали авиация, логистика ва туризм йўналишлари ўтадиган ҳудудни шакллантирмоқда. “Мамлакат ҳарбий ҳаракатлар фронтидан четда, ички барқарорликка эга, Европа ва Осиё ўртасидаги табиий марказ сифатида мустаҳкамланмоқда”, деб таъкидлайди муаллиф.

Журналист яна бир муҳим фикрни таъкидлайди. Ўзгариб бораётган глобал географияда тобора кўпроқ янги йўналишларни излаётган Европа мамлакатлари учун Ўзбекистон аввалги стереотиплардан холи равишда кўриб чиқишга арзийдиган танловга айланмоқда. Очиқлик ва барқарорлик алоҳида қиймат эга бўлган бугунги кунда мамлакат устунликка эга.

Бироқ глобал инқирозлар Ўзбекистонни четлаб ўтган, дейиш у қадар тўғри эмас. Мамлакат иқтисодиёти глобал жараёнларга интеграциялашган ва шу боис ташқи зарбалар муқаррар равишда унга таъсир қилади. Лекин кўрилаётган тезкор қарши чоралар таъсирни юмшатиш, барқарор суръатни сақлаб қолиш имконини беради.

Ҳайратланарли натижалар Самарқандда бўлиб ўтган Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан эълон қилинди. Унинг нутқида эришилган ғалабали кўрсаткичлар ҳам, стратегик мезонлар ҳам баён қилинди.

Сўнгги йилларда иқтисодиётга тахминан 150 миллиард долларлик хорижий инвестициялар жалб қилинди. Минглаб янги корхоналар ишга туширилди ва электр энергияси ишлаб чиқариш сезиларли даражада ошди. Товарлар ва хизматлар экспорти уч карра ошди ва умумий иқтисодий маҳсулот ҳажми ҳам қарийб уч бараварга кўпайиб, 147 миллиард долларга етди. Бундай шароитда мазкур ўзгаришлар фақат макроиқтисодий соҳа билан чекланиб қолмагани эътиборли. Камбағаллик даражасининг қарийб 35 фоиздан 5,8 фоизгача пасайиши ва миллионлаб ўзбекистонликлар даромадларининг ошиши одамларнинг кундалик ҳаётига бевосита ижобий таъсир кўрсатадиган натижалардир.

Бир вақтнинг ўзида ташқи баҳолашлар ҳам яхшиланмоқда. 2020 йилдан бери Ўзбекистон ўзининг суверен кредит рейтингларини доимий равишда ошириб келмоқда. Мамлакат биринчи марта иқтисодий эркинлик индексида “мўътадил эркин” тоифасига кирди. Глобал беқарорлик шароитида ҳам биринчи чоракда ЯИМ ўсиши 8,7 фоизни ташкил этди.

Халқаро молия институтларининг муносабати, айниқса, диққатга сазовор. Осиё тараққиёт банки вакиллари вазиятни тўғри баҳолаб, инвесторларнинг мамлакат ҳақидаги тасаввурларида сезиларли ўзгаришларни қайд этмоқда. Самарқанддаги форумда сўзга чиққан ОТБнинг Хусусий сектор операциялари департаменти бош директори Изабель Чаттертон ислоҳотлар хавфлар балансини сезиларли даражада ўзгартирганини ва Ўзбекистонни янада тушунарли ва жозибадор бозорга айлантирганини таъкидлади. Мутахассиснинг сўзларига кўра, инвесторлар бу ерда тобора кўпроқ узоқ муддатли имкониятларни кўрмоқда. Гап алоҳида лойиҳалар ҳақида эмас, асосий эътибор энергетика каби барқарор портфелни яратишга қаратилаётир. Бундан ташқари, ҳатто денгизга чиқиш имконияти йўқлиги каби анъанавий чекловлар ҳам энди муҳим омиллар сифатида қабул қилинмайди.

“Умуман олганда, Ўзбекистон бўйича бизнинг прогнозимиз жуда ижобий. Биз мамлакатга инвестиция киритишдан жуда манфаатдормиз”, деди Изабель Чаттертон.

Шунга ўхшаш эътирофлар Европа матбуотида ҳам ўз аксини топмоқда. Яна бир итальян нашри “Il Sole 24 Ore”да мамлакатимиз иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларга эътибор қаратилади. “Ўзбекистон хомашё иқтисодиётидан диверсификацияланган, тез ривожланаётган бозорга айланди. Хитой, Россия, Европа ва Яқин Шарқ ўртасидаги стратегик жойлашуви туфайли мамлакат Марказий Осиёнинг иқтисодий двигателига ва Европа мамлакатлари учун муҳим шерикка айланмоқда”, дея ёзилади газетада.

Шубҳасиз, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар алоҳида ташаббуслар ёки қисқа муддатли лойиҳалар йиғиндиси эмас. Улар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган ташқи очиқлик, иқтисодий янгиланиш ва миллий меросга таяниш тамойиллари ўзаро уйғунлашган яхлит тараққиёт стратегиясининг амалий ифодасидир.

Бу ёндашув чуқур таҳлил ва узоқни кўзлаган сиёсий тафаккур маҳсули. Унда келажакни аниқ мақсадлар асосида қуриш, халқимизнинг салоҳияти, меҳнаткашлиги ва бунёдкор кучига таяниш каби муҳим тамойиллар мужассам. Энг муҳими, ана шу изчиллик мамлакат ичида ҳам, халқаро ҳамкорлар ва инвесторлар ўртасида ҳам ишонч муҳитини мустаҳкамламоқда.

Янги Ўзбекистон айнан шу мустаҳкам мантиқий асос — прагматик ёндашув ва миллий қадриятларга садоқат уйғунлиги негизида барпо этилмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда кузатилаётган салмоқли иқтисодий ўсиш, халқаро нуфузнинг ортиши ва жамият ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар ана шу сиёсатнинг амалий самараси сифатида намоён бўлмоқда.

Қўлга киритилаётган ютуқлар, ҳар бир соҳадаги юксалиш, халқимизнинг миллий ғурури кўтарилиб, мамлакатимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори ошаётгани кўнглимизни тўлқинлантираётгани шубҳасиз. Қувонч ва ҳаяжон, энг нафис, кўтаринки туйғулар эса илҳом булоқларини жўш урдириб, онгу тафаккурни яйратиб, яшнатиб, ижод чаманига ажиб гулдасталар ҳадя этади:

Ҳурлик мангу бўлар яшнаган юртда,
Гуллаган боғларнинг толеси сўлмас.
Одамлари гулгун яшаган юртда,
Мақсадлар улуғдир, истаклар сўнмас.
Орзулари қадар фалагидир у,
Оқил Юртбошимнинг тилагидир у!

Кимлардир бир четдан сўзлар, на чора,
Қалблари риёга, ҳасадга мойил.
Уларга қудратин этган ошкора,
Бунёдкор қўлларга офарин, қойил!
Дейман, эзгу ишлар айланса давом,
Кўнгилни безайди яна хуш калом.

Қўллаб турар пиру авлиёларим,
Ўтган ҳар бир куним тарих, ғанимат.
Тинчлик — тожу тахтим, ободлик — зарим,
Келажак чорлайди олдинда фақат —
Элим, улуғ йўлинг этсин бардавом,
Муроду мақсадинг ёр бўлсин мудом.


Ўткир РАҲМАТ.

Фуқарони яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳар икки томон (мулкдор ва фуқаро) иштирокида амалга оширилади ва уларнинг розилиги “Face-ID” ёки “Mobile-ID” тизими орқали тасдиқланади.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2026 йил 8 май



ТАРИХИЙ АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари нафақат жорий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, балки тарихий адолатни тиклашга ҳам қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қатағон қурбонларини оқлашга қаратилган ҳар бир суд қарори — бу фақат ҳуқуқий ҳужжат эмас, балки миллат виждони олдидаги қарзнинг узилиши, адолатнинг тикланишидир.

Одил судлов

Сир эмас, мустабид тузум даврида ноҳақ таъқиб қилинган, асоссиз айбловлар билан жазоланган юртдошларимиз тақдири узоқ йиллар давомида етарлича ўрганилмади. Бироқ сўнгги йилларда бу борада давлат сиёсати мутлақо янги босқичга кўтарилди.

Хусусан, 2020 йил 8 октябрда қабул қилинган “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиш ушбу йўналишдаги ишларга мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

Мазкур ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Республика ишчи гуруҳи ташкил этилди. “Йўл харитаси” ишлаб чиқилгани ва бу борадаги тизимли ишлар олиб борилгани натижасида архивларга кенг кириш имконияти яратилди, илмий ва ҳуқуқий тадқиқотлар интеграция қилинди. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси илгари эътибордан четда қолган кўплаб тақдирларни қайта тиклаш имконини берди.

Жорий йил 6 май куни бўлиб ўтган очиқ суд мажлислари тарихий адолатни тиклаш йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлди. Унда 1920 — 1934 йиллардаги қарорлар асосида айбланган шахсларга оид жиноят ишлари қайта кўриб чиқилди. Ушбу ишлар Туркфронт ва ўша давр сиёсий тузилмалари қарорлари билан боғлиқ бўлиб, кўп ҳолларда асоссиз айбловларга таянгани аниқланди.

Суд томонидан 8 та жиноят иши кўриб чиқилди. 161 нафар шахсга нисбатан Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига асосан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Ушбу қарор бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий, ҳам тарихий аҳамиятга эга. Бу бир асрга яқин вақт давомида соя остида қолган ҳақиқатнинг тикланишидир.

> **“Суд томонидан 8 та жиноят иши кўриб чиқилди 161 нафар шахсга нисбатан Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига асосан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Ушбу қарор бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий, ҳам тарихий аҳамиятга эга. Бу бир асрга яқин вақт давомида соя остида қолган ҳақиқатнинг тикланишидир.”**

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу якка ҳолат эмас. Олий суд ҳузуридаги ишчи гуруҳ фаолияти натижасида сўнгги йилларда жами 1 236 нафар қатағон қурбони оқланди. Ҳар бир рақам ортида инсон тақдири, бузилган ҳаёт, йўқотилган авлодлар орзу-умидлари турганини унутмаслигимиз керак.

Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, оқлов қарорларига олиб келаётган асосий омиллар мавжуд. Буларга далилларнинг етарли эмаслиги, тергов жараёнида қонунбузилишлар, айбловнинг тахминларга асосланган, инсон ҳуқуқларининг таъминланмагани шулар сирасидан. Ушбу омиллар тарихий ишлардагина эмас, балки айрим замонавий ишлар учун ҳам хос бўлиши мумкин. Шу боис судлар томонидан далилларни ҳар томонлама, холис баҳолаш амалиёти кучайтирилмоқда.

Жаҳон амалиётида оқлов ҳукмлари суд мустақиллигининг асосий индикатори ҳисобланади. Ривожланган давлатларда оқлов қарорлари оддий ҳол сифатида қабул қилинади. Мамлакатимизда эса бу жараён тарихий адолатни тиклаш билан уйғунлашиб, ўзига хос миллий моделни шакллантирмоқда.

Умуман, қатағон қурбонларини оқлаш — бу ўтмишга баҳо бериш эмас, аксинча, миллат хотирасини тиклаш, инсон қадрини улуғлаш, энг муҳими, адолатни таъминлаш демакдир. Ҳақиқат шуки, адолат кечикса-да, барибир қарор топади. Юрт озодлиги, эътиқоди ва миллий қадриятлари йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг пок номлари халқимиз қалбида абадий яшайди.

Илҳом РАҲМОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси.

SPORT xabarlari

Шахмат: МАҒЛУБИЯТСИЗ СЕРИЯ ДАВОМ ЭТЯПТИ

Швециянинг Мальмё шаҳрида ўтказилаётган шахмат бўйича нуфузли “TePe Sigeman — 2026” турнири ўзининг қизғин палласига кирди.



Мусобақада саккиз гроссмейстер бош соврин учун баҳс олиб бормоқда. Улар орасида юртдошимиз Нодирбек Абдусатторов ҳамда жаҳон рейтинги етакчиси норвегиялик Магнус Карлсен ҳам бор. Мусобақанинг 6-турида Нодирбек туркиялик 14 ёшли Ягиз Каан Эрдоғмушга қарши қора доналарда ўйнади ва дурангга рози бўлди. Бу билан Нодирбекнинг мағлубиятсиз серияси давом этди, лекин пешқадам билан ўртадаги фарқ бир очкога етди.

Олтинчи турдан сўнг Аржун Эригаиси (Ҳиндистон) карвонбоши, Ягиз Каан ва Магнус Карлсен 4 очко билан кучли учликдан жой олди. Н. Абдусатторов 3,5 очко билан 4-ўринни банд этди.

Футбол: МИЛЛИЙ ЖАМОАМИЗ ЎРТОҚЛИК ЎЙИНЛАРИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

АҚШ, Канада ва Мексика яшил майдонларида ўтказиладиган Жаҳон чемпионати стартига бир ойдан кўпроқ вақт қолганида Фабио Каннаваро мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси сўнгги машғулот йиғинларига киришди.



6 — 26 май кунлари Тошкентдаги Миллий футбол марказида ташкил этиладиган йиғин доирасида терма жамоа Суперлиганинг 3 та клубига қарши ёпиқ назорат учрашувларида майдонга тушади. Шундан кейин 27 майда АҚШга борилади. Уч кунлик кичик машғулотдан сўнг 1 июнь куни Канаданинг Эдмонтон шаҳрида миллий жамоамиз халқаро ўртоқлик баҳсида мезбонлар билан куч синашади.

Вакилларимиз ФИФА Жаҳон чемпионати олдидан сўнгги ўртоқлик ўйинида Нидерландияга қарши майдонга чиқади. Ўйин 8 июнда Нью-Йорк шаҳридаги “Icahn Stadium”да бўлиб ўтади.

Хоккей: ЖАСУРБЕК — ТАРИХИЙ ВОҚЕА САБАБЧИСИ

Юртимизда футбол, бокс, шахмат ва спорт курашлари бўйича турли ютуқлар қўлга киритилаётган бир пайтда хоккейда ҳам тарихий воқеа юз берди.



Гап шундаки, 18 ёшли Жасурбек Рустамхонов АҚШ ёшлар хоккей лигасида иштирок этувчи “Dubuque Fighting Saints” жамоаси томонидан 2026 йилги мавсум учун “драфт” қилинди. Бу — клуб уни келажакда жамоага қўшиш учун танлаб олди, дегани. Яъни ҳали расмий шартнома мавжуд эмас, лекин спортчимиз учун бу катта имконият.

Мазкур воқеа Ўзбекистон хоккейи тарихидаги илк катта ютуқ ҳисобланади. Энди Ж. Рустамхонов синовдан яхши ўтса, АҚШдаги клуб таркибида ўйнашни бошлайди.

Хоккейчи июнь ойида Айова штати, Дубьюк шаҳрига синов йиғини учун боради. Асосий машғулот 9 — 12 июнь кунлари бўлиб ўтиши режалаштирилган.

“Dubuque Fighting Saints” “USHL” лигаси иштирокчиси бўлиб, мазкур чемпионат Шимолий Америкадаги энг кучли ёшлар хоккей лигаларидан бири саналиб, у орқали ўйинчилар кейинчалик “NCAA” ва “NHL” каби юқори даражаларга чиқиш имконига эга бўлади.

Жорий мавсумда Жасурбек Чехиянинг “Карлови” ёшлар жамоасида ўйнади. У 30 та ўйинда 23 очко (13 та гол ва 10 та ассист) тўплади.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(“Халқ сўзи”) тайёрлади.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

МАРҲА ОТАНИНГ ДУОСИ

Суронли Иккинчи жаҳон уруши фронтида қон кечган, жон олиб, жон берган аждодларимизнинг ёркин хотираси ҳамиша қалбимизда. Дориламон кунлар шукронасини айтган миннатдор авлодлар жангчи боболарнинг жасоратини асрлар мобайнида эслаши табиий.



Дарҳақиқат, урушнинг мислсиз даҳшати ва бор ваҳшати фронтда содир бўлиб, кўпларнинг ёстиғини қуритган эса-да, унинг совуқ шамоли фронт ортидаги қариялар, аёллар ҳамда болаларнинг тинкасини ҳам қуритгани рост. Қаҳатчилик, етишмовчилик ва оғир меҳнат ҳаммани ҳам бирдек синовдан ўтказган. Бугун эшитганларнинг ҳар бирига эртак ё афсонадек туюлувчи ўтган кунлар хотираси Ўрта Чирчиқ туманидаги Юқориовул маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши фронт орти меҳнат фахрийси Марҳа ота Сотиболдиевнинг ёдидан, мана, қарийб бир асрдирки, ўчган эмас.

Шу кўкламда умрининг тўқсон олтинчи баҳорини кутиб олган Марҳа ота уруш йиллари сабр ва қаноат билан меҳнат қилган, халқ хўжалигини тиклаш ҳамда армияни озиқ-овқат билан таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшган.

— Марҳа ота яшаб келаётган хонадон нафақат аҳиллиги, балки катта авлодга ҳурмат-эҳтироми билан ҳам барчамизга намуна, — дейди “Юқориовул” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эшпўлат Хидирбоев. — Отахонни фарзандлари, келинлари ва невара-чевараларини меҳр билан парваришлаб келмоқда.

Марҳа отанинг ҳаёт йўли — юксак матонат ва ҳалол меҳнат мактаби. Ёшлигидан етимликни бошдан кечириб, 12 ёшидан меҳнат майдонига кирган. У пахтазорларда сувчи, кейинчалик бригадир бўлиб ишлади. Марҳа ота атиги уч синф таълим олганига қарамай, умрини ҳалол меҳнатга бағишлаган фидойи инсон сифатида ҳар қанча эъзозга сазовор. Фронт орти меҳнат фахрийсини зиёрат қилиб келган ёшларга отахоннинг 76 ёшли ўғли Камол ота ўтган йиллар хотираларини сўзлаб беради.

Отахон кексалик туфайли гарчи гапира олмай қолган бўлса-да, фронт орти қаҳрамонининг хонадонига келганларнинг ҳеч бирини дуосиз кузатмайди. Меҳмонлар ҳам бу эзгу тилакларга ҳамоҳанг дуога қўл очишади.

Отабек ИСРОИЛОВ
(“Халқ сўзи”).

«АЙТГИН ДЎСТИМ, НИМА ҚИЛДИНГ ВАТАН УЧУН?»

Тарих мезонида буюк шахслар фаолияти доимо Ватан манфаатлари билан баҳоланган. Инсоннинг улуғлиги унинг юрт равнақига қўшган ҳиссаси билан ўлчанади. Бу тамойил бугунги мураккаб ва тезкор ўзгарувчан дунёда ҳам ўз аҳамиятини тўлиқ сақлаб қолмоқда.

Нуқтаи назар

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистонни янги тафаккур эгалари барпо этади” деган сўзлари таълим ва илм билан шуғулланаётган ҳар бир инсоннинг миллат тараққиётидаги ўрнини яққол белгилаб беради. Ушбу сўзлар чуқур фалсафий ва сиёсий дастур бўлиб, ақлий салоҳиятни ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш ғоясини ўз ичига олади. Таълим тизимидаги ҳар бир янгилик, инновацион ёндашув ва ҳар бир замонавий педагог бу концепциянинг жонли ифодасидир.

“Ватанпарварлик” тушунчаси тарихан кўп қиррали маъно касб этиб келган. Замонавий ижтимоий-психологик ёндашув бу тушунчани шахснинг ижтимоий фаолияти, касбий масъулияти ва фуқаролик онги билан бевосита боғлиқ ҳолда талқин қилади. Илмий жиҳатдан ватанпарварлик — шахснинг жамият ҳамда давлат манфаатларига йўналтирилган тизимли ва онгли фаолияти.

Дунёнинг етакчи университетлари тажрибаси ҳам айнан шу фикрни тасдиқлайди. Масалан, АҚШдаги Ҳарвард университетида талабалар фақат аудиторияларда ўтириб назарий билим олиш билан чекланиб қолмайди. Улар жамият муаммоларига ечим топишга қаратилган илмий лойиҳаларда фаол қатнашади, реал ҳаёт муаммолари устида изланиш олиб боради. Бу ерда “Хизмат орқали таълим” деб аталадиган тизим кенг қўлланади. Мазкур ёндашувга кўра, талаба ўз билимини жамият манфаатига хизмат қиладиган лойиҳалар орқали синаб кўради. Натижада ёшлар билимли мутахассис бўлиш баробарида ижтимоий масъулиятни чуқур англайдиган фаол фуқаро сифатида шаклланади.

Буюк Британиянинг Оксфорд ва Кембриж университетларида эса талабаларда танқидий фикрлаш, мустақил таҳлил синтези қобилияти ҳамда академик ҳалолликни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу университетларда талабалар илмий тадқиқотлар орқали жамият тараққиётига хизмат қиладиган ғояларни илгари суради. Шунинг учун ҳам ушбу олий таълим масканлари нафақат илм-фан марказлари, балки жамият етакчиларини тарбияловчи мактаб сифатида танилган.



Жанубий Корея ва Сингапур каби давлатларнинг тараққиёти ҳам таълим ва илм-фанга берилган улкан эътибор натижаси. Бу мамлакатларда университетлар саноат, иқтисодиёт ва технологик марказлар билан узвий ҳамкорликда ишлайди. Талабалар ўқиш жараёнидаёқ стартаплар, инновацион технологиялар ва илмий лойиҳалар орқали мамлакат ривожига ўз ҳиссасини қўшади. Бу — ўз номи билан интеллектуал ватанпарварлик.

Профессор-ўқитувчилар жамиятнинг маънавий ва интеллектуал устунлари саналади. Улар фақат билим бериш билангина чекланмай, фикрий йўналтирувчи, келажак авлодни шакллантирувчи, миллий қадриятлар ва замонавий билимлар ўртасидаги кўприк вазифасини ўтайдиган шахслардир. Улар яратган илмий асарлар, янги методикалар, тадқиқот натижалари ва инновацион ёндашувлар мамлакатнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлайди. Халқаро нашрларда чоп этилган мақолалар, индексланган журналлардаги тадқиқотлар мамлакатнинг интеллектуал ютуқлари ҳисобланади.

Талабалар эса — жамиятнинг келажаги. Бугун олаётган билимларни эртага иқтисодиёт, сиёсат, маданият ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этадиган куч. Шу сабабли ёшларнинг маънавий камолоти, фуқаролик онги ва ижодий ғайрати мамлакат келажагининг гаровидир.

Глобаллашув, рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва биотехнологиялар тараққиёти Ватанга хизмат қилишнинг янги шаклларини юзага чиқармоқда. Бугун эл-юрт хизматида бўлиш нафақат ҳарбий ҳаракатларда ёки сиёсий жараёнларда, балки лабораторияларда, стартапларда, инновацион марказларда ва рақамли платформаларда ҳам кечмоқда. Дастур яратувчи мутахассис, сунъий интеллектни татбиқ этувчи муҳандис, маълумотларни таҳлил қилувчи олим, киберхавфсизлик бўйича эксперт — буларнинг ҳар бири замонавий ватанпарварларнинг ёркин намунаси. Ҳавонинг ифлосланиши, сув танқислиги каби муаммоларни ҳал этиш йўлида меҳнат қилаётган олимлар ва фуқаролар ҳам мамлакат ривожига, фаровонлигига ҳисса қўшмоқда. Хорижда ўқиётган талабалар, халқаро конференцияларда иштирок этаётган олимлар, жаҳон саҳналарида чиқиш қилаётган санъаткорлар ва спортчилар — барчаси Ўзбекистоннинг юзини дунёга танитмоқда.

Шахснинг элу юрт учун нима қилганини аниқлашда унинг сўзларига эмас, амалларига қараш зарур. Профессор-ўқитувчилар ўз илмий фаоллиги, меҳнатсеварлиги ва фидойилиги билан, талабалар эса ўқишга бўлган масъулияти, ўз устида ишлаши ва ижтимоий фаоллиги билан Ватанга ҳурматини билдиради. Ватанга садоқат бир марта бажариладиган қаҳрамонлик эмас, ҳар куни, ҳар бир қарорда, ҳар бир иш ва муносабатда намоён бўладиган ҳаёт тарзидир.

Азизхон ТИЛЛАХЎЖАЕВ,
Технология, менежмент ва коммуникация институтининг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Мамлакатимизда Нурафшон — Пискент — Бўка — Бекобод — Боёвут — Янгиер йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл тармоғи қурилишига старт берилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.50 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6